

МАКТАБ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ: АЙРИМ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Таджибаева Шаҳодат
Андижон шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси

SCHOOL EDUCATION SYSTEM: SOME PROBLEMS AND SOLUTIONS

Tadjibaeva Shahodat
Teacher of school No. 25 in Andijan

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф томонидан халқ таълими тизимидаги мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги, халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмининг мукамал эмаслиги, умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофик даражасининг етарли даражада эмаслиги каби муҳим муаммолар ёритилган ва уларнинг ҳал этилиш юзасидан ечимлар берилган.

Калит сўзлар: ўқитувчи, интернет, коронавирус, молиялаштириш, ахборот-коммуникация.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётида мактаб таълими алоҳида ўрин тутиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Шу боисдан ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳар доим давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келган. Бироқ, қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида мактаб таълими тизимида ҳам бир қатор муаммолар йиғилиб қолганди. Булар қаторида мактаблар сонининг ёки синф хоналарнинг етишмаслиги, мактаб дарсликларининг сифати, ўқитувчиларнинг моддий таъминоти каби муаммоларни санаб ўтиш мумкин.

Албатта, мактаб таълими тизимида бундан бошқа муаммолар ҳам мавжуд. Лекин, ушбу мақолада жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинадиган, Президент томонидан қаттиқ танқид қилинадиган муҳим муаммоларнинг айримларига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ўқитувчилар касбий фаолиятига асосиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш механизмларининг самарасизлиги, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги амалда ўқувчиларнинг сифатли таълим олишган бўлган ҳуқуқидан маҳрум бўлишига сабаб бўлмоқда¹.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида учта муҳим қоида белгиланган, яъни “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”². Албатта, давлат ўз кафолати остига олган мактаб таълимини, шу жумладан, халқ таълими ходимлари фаолиятини назорат қилишга ҳаракат қилади. Назоратнинг тури ва шакллари эса бир қатор бўлиши мумкин. Агар, бу назоратларга

¹ <https://lex.uz/docs/3893445> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони

² <https://lex.uz/docs/20596> – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

даврийлик хусусиятини қўшсак назоратнинг аҳамияти янада ортади. Шу билан бирга, Халқ таълим вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш инспекциясидан ташқари ўқитувчилар фаолиятига у ёки бу даражада алоқадор бўлган давлат органлари ҳам борки, уларнинг текширишлари таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Мазкур муаммонинг ечими сифатида айтиш мумкинки, шбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш лозим бўлади.

Иккинчидан, халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмининг мукамал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги мактаб таълими тизимидаги навбатдаги муаммо ҳисобланади³.

Бутун дунё коронавирус пандемияси билан кураш олиб бораётган бир вақтда таълим, хусусан, мактаб таълими ҳам ўзгаришга, янги давр талабларига мослашишга мажбур бўлди. Шунинг учун “ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги” жумласини бироз шарҳлаш лозим бўлади. Бу жумла ногирон болаларнинг таълим олим имкониятининг сезиларли равишда пастлиги, қишлоқ ҳудудларда жойлашган мактабларнинг интернет тармоғига уланмаганлиги, шаҳарлардаги мактабларда эса интернет ишлаш тезлигининг пастлигини англатади.

Коронавирус пандемияси вақтида эса ёш авлод ёки сифатли таълим ола олмади ёки умуман таълимсиз қолди. Бундан ташқари, интернет трафиклари нархлари ҳам ҳамма учун мақбул эмас. Агар, интернет мавжуд бўлган ва нархлари мақбул бўлган тақдирла ҳам интернетнинг айрим камчиликлари мавжудлигини эътироф этиш лозим. Мисол учун, интернет ёки электр токининг тўсатдан узилиб қолиши туфайли дарс жараёнининг мажбуран тўхтатилиши; онлайн дарслар алоҳида техник воситаларни тақозо этиши. Яъни, ўқувчи дарсларини ота-онасининг телефони ёки компютерида бажаришга мажбурлиги, ўқитувчи шу каби техник воситалар (модем, Wi-Fi)га эга бўлиши лозим⁴.

Мактаб таълимидаги иккинчи муаммонинг ечими ҳақида давлат ва хусусий шерикларнинг ҳамкорлигини қайд этиш лозим. Чунки, бутун Республика бўйлаб халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш давлат бюджети учун бир неча миллиард сўмга тушуши мумкин. Давлат-хусусий шериклик эса оғирликнинг бир қисмини ўзаро тенг манфаатлар асосида хусусий шерикка беришга имкон беради.

Учунчидан, таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш масалаларида умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофлик даражасининг етарли даражада эмаслиги, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назорати мавжуд эмас⁵.

³ <https://lex.uz/docs/3893445> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони

⁴ <https://qalampir.uz/news/maktablar-mashguloti-onlaynga-ut-sinmi-ye-oflayn-ma-k-ulmi-suz-uk-ituvchilarga-25063>

⁵ <https://lex.uz/docs/3893445> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони

Шу ўринда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинаётган мавзу – ўқитувчиларнинг аттестация топшириш мажбурияти ҳақида тўхталиш лозим. Зеро, ҳар бир ўқитувчининг билим даражасини оширишдан ташқари унинг аслида қай даражада эканлигини аниқлаш учун ҳам аттестация топширишлари лозим. Аттестацияда ундаги саволларнинг тўғри тузилганлиги, вақт меъёри ва бошқа муаммолар юзага келмоқда. Мисол учун, рус тилидаги С2 даражага эга бўлган ўқитувчининг аттестацияда белгиланган ўтиш балидан ўта олмаслигини тушунтириш лозим бўлади⁶.

Мазкур муаммоларнинг бартараф этилиши хорижий давлатларнинг тажрибасидан, айниқса ғарб давлатларининг тажрибасидан фойдаланиш лозим. Лекин, бунда чуқур ўйланган илмий тадқиқот ишлари натижасида қилинган таклифларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Бу соҳадаги ислохотларни кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак. Бунга барча эътиборимиз ва ресурсларимизни сафарбар қиламиз. Қийин йўлни танлаяпмиз, лекин шу йўл муаммоларни ечади”⁷. Шу билан бирга, бундай ҳаракатларни амалга оширишда тезроқ ҳаракат қилиш лозим. Чунки, бир вақт йўқотишда давом этияпмиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони
2. <https://lex.uz>
3. <https://president.uz>
4. <https://www.kun.uz>
5. <https://qalampir.uz>

⁶ <https://kun.uz/news/2022/04/07/attestatsiyadan-ota-olmayotgan-rus-tili-oqituvchilari-ularning-shikoyatlari-orinlimi>

⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/4945> - Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 январь куни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидан